O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 28 декабрь, № 249 (5164) Сешанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 21 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 4 декабрда маъқулланган

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 27 декабрь
№ ЎРҚ—275

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади дафн этиш ва дафн иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ўлимидан кейин унинг жасадига (сақланиб қолган тана қисмларига) муносиб муносабатда бўлиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини (бундан буён матнда вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси деб юритилади) инобатга олган ҳолда вафот этган шахсни дафн этиш кафолатларини белгилаш;

дафн этиш учун нафақа бериш ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш кафолатларини белгилаш;

дафн этиш жойларини танлаш ва сақлашда экологик нормаларнинг, санитария, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларнинг бажарилишини таъминлаш;

дафн ишини ташкил этиш асосларини белгилаш.

**2-модда. Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **57¹-модданинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«57¹-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш»;**

(Давоми 2-бетда).

***Чет эл ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доиралари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ахборот-таҳлил марказларида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузаси юзасидан кенг муҳокамалар давом этмоқда.***

## «ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ЯНГИ ВА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА»

Дунё нигоҳи

Хусусан, **Украинанинг “Халқаро курьер” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, сиёсатшунос Дмитрий Дроботун**нинг таъкидлашича, Конституция қабул қилинган кундан бошлаб ўтган 18 йил мобайнида Ўзбекистон ўз ислоҳотлар моделига таянган ҳолда, давлат ва жамиятни ривожлантириш борасида танлаган йўлининг тўғри эканини исботлаб, мамлакатда иқтисодий ўсиш ва демократик ўзгаришлар рўй бераётганини амалда намойиш этмоқда.

“Бундай натижа давлат раҳбариятининг ислоҳотларни аниқ мақсадни кўзлаб, босқичма-босқич, муваффақиятли амалга ошириш орқали замонавий жамият барпо этишнинг янги ва янада самарали усулларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этаётганидан далолатдир.

Ўз тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон кўзлаган мақсади сари шахдам одимламоқда. Бу эса республикага яқин келажакда аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси юқорилиги бўйича собиқ иттифоқ ҳудудидаги ягона мамлакат сифатида ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига ёрдам беради”, дея қайд этди Д. Дроботун.

Унинг фикрига кўра, қўшни мамлакатларнинг географик хусусиятлари ва улардаги беқарорликни эътиборга олган ҳолда, давлат ва жамиятни тадрижий модернизация қилиш тараққиётга эришишнинг оқилона йўлидир. Шу ўринда айтиш жоиз, бугунги тарих шуни кўрсатмоқдаки, собиқ иттифоқнинг айрим мамлакатлари томонидан Ғарб технологияларини қўллаган ҳолда шошмашошарлик билан демократия қуришга бўлган уринишлар турли инқилобларга, ҳукуматдаги ихтилофлару муттасил сайловларга олиб келмоқда. Бу эса, табиийки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли манфаатларини кўзлайдиган тизимли ислоҳотлар ўтказишга тўсқинлик қилмоқда.

— Аҳамиятли жиҳати шундаки, бундай эврилишлар натижасида қатор давлатлар иқтисодий жиҳатдан халқаро молиявий тузилмаларга тобе бўлиб қолмоқда, — дея таъкидлади украиналик сиёсатшунос.

Унинг айтишича, давлат ривожланишининг ўтиш босқичида катта аҳамиятга эга бўлган ўзбек модели мамлакатда ислоҳотларнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш, энг муҳими, ушбу ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга имкон берди.

Шунингдек, у Ўзбекистон раҳбариятининг 2011 йилга мўлжалланган стратегик мақсадларини ўта муҳим, деб ҳисоблайди. Д. Дроботун Ўзбекистоннинг 2011 йилга белгилаган режалари ҳақида гапирар экан, улар “ривожланган жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми” эканини қайд этди. “Янги йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” дея эълон қилган мамлакат раҳбари ўз саъй-ҳаракатларини хусусий мулк эгалари бўлмиш ўрта синфни шакллантиришга қаратди. Жамиятдаги мазкур қатлам ҳар доим замонавий демократик давлатнинг пойдевори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади”, деди у.

(Давоми 3-бетда).

## ЭЗГУЛИК ВА ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ ТИМСОЛИ

**Бугун пойтахтимиздаги Бош майдонда Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига беш йил тўлди.**

***Янги орзулар, эзгу тилаклар, яхши ниятлар қилинадиган ҳаяжонли кунлар арафасида турибмиз. Ҳадемай 2010 йил якун топади. Бу вақтда барчамиз мазкур йилда қилинган ишларнинг сарҳисобини, чора-тадбирларимизнинг якунини кўриб чиқамиз. Йил бошидан қилинган қайси режалар амалга ошдию, ҳаётимизда биз кутмаган қандай янгиликлар, воқеа-ҳодисалар рўй берди?***

Муҳими, биз ана шу сарҳисоб туфайли келгуси йилга янги эзгу мақсадларни белгилаймиз. Кўплаб режаларни ўйлаб қўямиз. Чунки биз ўз иқтидоримизга, бунёдкорлик салоҳиятимиз ва истиқлол шарофати туфайли кундан-кун ортиб бораётган куч-қудратимизга ишонамиз.

Дарҳақиқат, мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, ер ости, ер усти бойликларимизга эгалик қилиш, меҳнаткаш халқимизнинг ва бугун кучга тўлиб, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг беқиёс салоҳиятини ҳамда орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун улкан имкониятлар очиб берди. Президентимизнинг бевосита ғоялари ва ташаббуслари асосида миллий анъаналаримиз ҳамда қадриятларимиз қайта тикланди. Буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, муқаддас қадамжолар обод қилинди. Маънавий ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгарди. Эътиборлиси, бу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## БЕҒУБОР БОЛАЛИК ҚУВОНЧИ

**Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бошланган Янги йил байрами тантаналари барчада катта қизиқиш ва таассурот уйғотмоқда.**



***Юртдошларимиз кайфияти кўтаринки, нигоҳларида қувонч, чеҳраларида мамнунлик ифодаси. Бу, албатта, пок ниятли элимиз дилидаги орзу-умидлар ижобат бўлаётганидан, тинч-осойишта заминимизда умргузаронлик қилаётган каттаю кичикнинг эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Бундай юртга эса байрамлар ярашади, тўйлар, тантаналар шоду хуррамлик билан кутиб олинаверади.***



Арафа

Ҳар йили Янги йил айёми муносабати билан гўзал пойтахтимизнинг бош майдонида қад ростлайдиган муҳташам арча ва унинг атрофида бунёд этиладиган афсонавий “Эртаклар шаҳарчаси” айни дамда ҳам шаҳар аҳли ва меҳмонларини хушнуд этмоқда. Ушбу байрам тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Совпластитал” қўшма корхонаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил қилинди.

...Мустақиллик майдонининг бетакрор қиёфаси, байрамона таровати дилларга бир олам завқ улашаётир. Қорбобонинг совға-саломларидан баҳраманд бўлиб, қизиқарли интеллектуал беллашувларда иштирок этаётган, концерт дастурлари, театрлаштирилган чиқишларни мириқиб томоша қилаётган болажонларнинг шодлигини айтмайсизми?!

(Давоми 3-бетда).

Анжуман

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли мазкур соҳа истиқлол йилларида иқтисодиётимизда етакчи куч сифатида тобора шаклланмоқда.***

## ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИНГ НОЁБ ТИЗИМИ

Айниқса, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолига тезкор хизматлар кўрсатишда уларнинг улуши катта бўлаётир. Президентимиз ташаббуси билан кириб келаётган Янги йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши эса соҳа равнақи йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан ташкил этилган "SMS-to`lov: электрон тўловларнинг ноёб тизими" мавзуидаги матбуот анжуманида айнан кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, соҳага замонавий технологияларни кенгроқ жорий этиш ва илғор инновацияларни изчил қўллашни даврнинг ўзи тақозо қилаяпти. Шуни ҳисобга олиб, тизимда кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Палата мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган "SMS-to`lov" тизими — шулардан бири. Мазкур электрон тизимни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўллаш хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китобни тезлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

(Давоми 3-бетда).

2010 йил — Баркамол авлод йили

## ЎЗБЕК СПОРТИ МАЛИКАЛАРИ

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларга мос спорт турларини изчил ривожлантириш, аёлларнинг спортда ўз куч ва иқтидорини намоён этиши учун кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчи қизлар сафи тобора кенгайиб бораётир.*

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ўтказилган “Спорт маликаси — 2010” кўрик-танловида бу алоҳида таъкидланди.

(Давоми 8-бетда).

Бир рақам шарҳи

## Қиш дастурхонида — ёз неъматлари

2010 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимиз бўйича муқобил иссиқлик манбалари асосида ишловчи, енгил конструкцияли

**645** та иссиқхона қурилди.

**Аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бунёд этилган мазкур иссиқхоналар бугунги кунда қиш дастурхонини ёз неъматлари билан тўлдиришга хизмат қилмоқда.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**3-модда. Дафн этиш**

Дафн этиш вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) унинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларга зид бўлмаган урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ кўмишга доир маросим ҳаракатидир.

Дафн этиш вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ерга (қабрга ёки сағанага) кўмиш орқали амалга оширилади.

Дафн этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**4-модда. Дафн этиш жойлари**

Дафн этиш жойлари қабрлар, сағаналар, шунингдек дафн этишни амалга оширишга мўлжалланган бошқа бинолар ва иншоотларни барпо этиш учун экологик нормаларга, санитария, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда бошқа нормалар ва қоидаларга мувофиқ ажратиб берилган ер участкаларидир. Дафн этиш жойлари моддий маданий мерос объектлари жумласига киритилиши мумкин.

Дафн этиш жойлари туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг бевосита тасарруфида бўлади.

Янги дафн этиш жойларини барпо этиш ва мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш экологик экспертизанинг хулосаси ва санитария-гигиеник хулоса бўлган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда диний ташкилотларнинг таклифлари инобатга олинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дафн этиш жойлари бузиб ташланиши мумкин эмас ва доимий равишда сув остида қолиш, кўчкилар ҳамда бошқа табиий офатлар таҳдид этган тақдирда белгиланган тартибда фақат туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан кўчирилиши мумкин.

Илгари дафн этиш жойлари жойлашган ҳудудлардан фойдаланишга улар кўчирилган пайтдан эътиборан йигирма йил ўтгач рухсат берилади. Бундай ҳолда ушбу ҳудудлардан фақат манзарали дов-дарахт кўчатлари ўтқазиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу ҳудудларда бинолар ва иншоотларни қуриш тақиқланади.

Дафн этиш жойларида маросим ва ибодат иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда барпо этилиши мумкин.

Қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилиши мумкин.

**5-модда. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси**

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси оғзаки (гувоҳлар ҳозирлигида) ёки ёзма шаклда ифодаланган, патологик-анатомик ёриб кўришга розилиги ёки рози эмаслиги ҳақидаги, ўз жасадидан (сақланиб қолган тана қисмларидан) органлар ва (ёки) тўқималар ажратиб олинишига, у ёхуд бу жойга, у ёки бу урф-одатлар ва анъаналар бўйича, илгари вафот этган у ёки бу шахсларнинг ёнига дафн этилишига розилиги ёхуд рози эмаслиги тўғрисидаги, ўз хоҳиш-иродасини бажаришни у ёхуд бу шахсга ишониб топшириш ҳақидаги истагидир.

Вафот этган шахснинг жасадига (сақланиб қолган тана қисмларига) муносиб муносабатда бўлишга доир ҳаракатлар, агар хоҳиш-иродани бажариш мумкин бўлмайдиган ҳолатлар юзага келмаган бўлса ёки қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг хоҳиш-иродасига тўла мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродаси мавжуд бўлмаган тақдирда вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга ижозат бериш ҳуқуқига эга.

**6-модда. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини бажарувчилар**

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасида кўрсатилган шахслар унинг хоҳиш-иродасини бажарувчилардир.

Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасида бажарувчилар кўрсатилмаган ёки улар вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини бажаришни рад этган тақдирда, мазкур хоҳиш-ирода унинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёхуд қонуний вакили томонидан амалга оширилади, шунингдек дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс томонидан бажарилиши мумкин.

**2-боб. Дафн этишни амалга ошириш кафолатлари**

**7-модда. Вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини бажариш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар бир инсонга унинг ўлимидан кейин жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) вафот этган шахснинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда ушбу Қонунга мувофиқ дафн этиш ва дафн этиш учун жойни текин бериш кафолатланади.

Вафот этган шахснинг унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) илгари вафот этган шахслар ёнига дафн этиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини бажариш дафн этиш учун бўш жой ёки илгари вафот этган яқин қариндошининг қабри мавжуд бўлган тақдирда таъминланади.

Шахс бошқа аҳоли пунктида ёки хорижий давлат ҳудудида вафот этган тақдирда вафот этган шахснинг унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) дафн этиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини бажариш дафн этишни амалга ошириш ва дафн этиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган шахсга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўлим ҳақидаги гувоҳномани (маълумотномани), вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) олиб кетиш учун рухсатномани, йўл ҳужжатларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга доир ҳужжатларни олишга кўмаклашиш қисмида кафолатланади. Мазкур кўмакни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ўз фаолияти турига кўра шундай ҳолларда зарур хизматлар кўрсатувчи бошқа юридик шахслар кўрсатиши шарт.

**8-модда. Дафн этишни амалга оширишдаги кафолатлар**

Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга қуйидагилар кафолатланади:

вафот этган шахсни дафн этиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўлим сабаби аниқланган пайтдан эътиборан дарҳол бериш. Вафот этган шахснинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) ўлим сабабини аниқлаш учун ўликхонага жойлаштириш асослари вужудга келган ҳолларда, унинг жасадини (сақланиб қолган тана қисмларини) эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакилининг, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахснинг талабига кўра бериш бир суткадан ортиқ муддатга кечиктирилиши мумкин эмас;

агар вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс ўлим ҳақида хабардор қилинган, аммо дафн этишни улар томонидан амалга оширишни қийинлаштирувчи объектив ҳолатлар мавжуд бўлса, вафот этган шахснинг жасади (сақланиб қолган тана қисмлари) ўлим сабаби аниқланган пайтдан эътиборан икки суткагача ўликхонада туришига имконият бериш. Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс қидирилган тақдирда бу муддат уч суткагача узайтирилиши мумкин.

**9-модда. Дафн этиш учун нафақа ҳамда моддий ва бошқа ёрдам кўрсатиш**

Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга дафн этиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан нафақа бериш кафолатланади.

Дафн этиш учун нафақани тўлаш мурожаат этилган кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан:

вафот этган шахс пенсия ёки ижтимоий нафақа олиб турган ёхуд ишламаган ва пенсионер бўлмаган ҳолларда — ўлим ҳақидаги гувоҳнома асосида;

ўлик бола туғилган ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида вафот этган (перинатал ўлим) тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотнома асосида амалга оширилади.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг ходими ёки ходимнинг қарамоғида бўлган оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш учун нафақани тўлаш мазкур харажатларнинг ўрни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланган ҳолда корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан амалга оширилади.

Вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга корхона, муассаса ва ташкилот томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ва бошқа ёрдам кўрсатилиши мумкин.

**10-модда. Вафот этган шахсни унинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс бўлмаганда дафн этиш**

Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахс бўлмаганда ёки уларнинг дафн этишни амалга ошириш имконияти бўлмаганда, вафот этганнинг шахсини ички ишлар органлари аниқлаганидан кейин уни дафн этишни, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ички ишлар органлари томонидан шахси аниқланмаган вафот этганни дафн этишни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган махсус хизмат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

**11-модда. Вафот этган ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларни, ички ишлар органлари ходимларини дафн этиш**

Тинчлик вақтида ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги хизматни ўтаётганда вафот этган ёки майиб бўлиш (яраланиш, шикастланиш, контузия бўлиш), касалланиш натижасида вафот этган ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий йиғинларга чақирилган фуқароларни, ички ишлар органлари ходимларини, шунингдек хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етганлигига, соғлиғининг ҳолатига кўра ёхуд ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан ёки ички ишлар органларидаги хизматдан бўшатилган вафот этган фуқароларни дафн этиш вафот этган шахс ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги хизматни ўтаган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур шахсларнинг дафн этилишини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Уруш даврида хизматни ўташ вақтида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган даврда вафот этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимларини дафн этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**12-модда. Қамоқда ёки жазони ижро этиш муассасаларида сақлаб турилган вафот этган шахсларни дафн этиш**

Қамоқда ёки жазони ижро этиш муассасаларида сақлаб турилган вафот этган шахсларни дафн этиш ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Қамоқда ёки жазони ижро этиш муассасаларида сақлаб турилган вафот этган шахсларни уларнинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакиллари ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахслар бўлмаганда ёки дафн этишни улар томонидан амалга ошириш имконияти бўлмаганда ёхуд улар дафн этишни амалга оширишни рад этганда дафн этиш, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган вафот этган шахсларни дафн этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**3-боб. Дафн этиш жойини ташкил этиш**

**13-модда. Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш ва ажратиш**

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасини танлаш жойнинг гидрогеологик тавсифлари, рельефи хусусиятлари, тупроғи таркиби, атроф табиий муҳитга тушадиган экологик юкнинг йўл қўйиладиган энг юқори чегараси ҳисобга олинган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктларини ва ҳудудларини барпо этиш қоидаларига, шунингдек санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда у дафн этиш жойининг номуайян узоқ муддат мавжуд бўлишини таъминлаши керак.

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкаси ажратиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Дафн этиш жойини ташкил этиш учун ер участкасининг ўлчами муайян аҳоли пунктида яшовчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Дафн этиш учун бериладиган жойнинг ўлчами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**14-модда. Дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш**

Дафн этиш жойларини лозим бўлган ҳолатда сақлаш ва ободонлаштириш мажбурияти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратиладиган алоҳида харажатлар моддаси бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Дафн этиш жойларини ободонлаштириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ҳашар йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Дафн этиш жойлари ўралган бўлиши, қўриқланиши, сув, электр, зарур бинолар ва ашё-анжомлар, шунингдек кириб бориладиган йўл билан таъминланиши лозим.

Дафн этиш жойларида мол ва бошқа уй жониворларини боқиш, мевали кўчатлар экиш, қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш тақиқланади.

**15-модда. Дафн этиш жойларининг сақланиши устидан экологик назорат ва санитария-эпидемиология назорати**

Дафн этиш жойларининг сақланиши устидан экологик назорат ва санитария-эпидемиология назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Дафн этиш жойларида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш экологик нормаларга, санитария нормалари ва қоидаларига, шунингдек дафн этиш жойларини сақлашнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Экологик нормалар, санитария нормалари ва қоидалари, шунингдек дафн этиш жойларини сақлаш қоидалари бузилган тақдирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дафн этиш жойида ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини тўхтатиб туриши ёки тугатиши ҳамда йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш ва дафн этиш жойининг инсон соғлиғи ҳамда атроф табиий муҳитга номақбул таъсирига барҳам бериш, зарур ҳолларда эса янги дафн этиш жойини барпо қилиш чораларини кўриши шарт.

**16-модда. Эски ва илгари номаълум бўлган қабрлар**

Мавжудлиги ҳақида ишончли маълумотлар бўлмаган қабрлар эски ва илгари номаълум бўлган қабрлар деб ҳисобланади.

Қабрлар борлиги эҳтимоли бўлган ҳудудларда ҳар қандай ишларни амалга оширишдан олдин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу ҳудудни текширувдан ўтказиши шарт.

Эски ва илгари номаълум бўлган қабрлар аниқланган тақдирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабрларни белгилаб қўйиши ва рўйхатга олиши, зарур ҳолларда эса дафн этилганларнинг сақланиб қолган тана қисмлари қайта кўмилишини ташкил этиши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномасига эга бўлмаган юридик ёки жисмоний шахсларнинг эски ва илгари номаълум бўлган қабрларни қидириши ҳамда очиши тақиқланади.

Археология мероси объектлари бўлган эски ва илгари номаълум бўлган қабрларни қидириш ҳамда очиш археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**4-боб. Дафн иши**

**17-модда. Дафн ишини ташкил этиш**

Дафн ишини ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

Дафн этиш бўйича хизматлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкил этадиган махсус хизматлар томонидан кўрсатилиши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган махсус хизматларнинг фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**18-модда. Дафн ишини молиялаштириш манбалари**

Дафн ишини молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**19-модда. Низоларни ҳал этиш**

Дафн этиш ва дафн иши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**20-модда. Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**21-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**22-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 27 декабрь
№ ЎРҚ—276

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2) **66-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим»;

3) **71-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«71-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини аниқлаш ва фош қилишга ёрдам берган бўлса, башарти у оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, суд томонидан жазодан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда суд томонидан жазодан озод қилиниши лозим».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **84-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса»;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади»;

**бешинчи қисми 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса»;

2) **333-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга, агар ўзига нисбатан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги масала қўйилган шахс ёки вафот этган бундай шахснинг яқин қариндошлари бунга эътироз билдирса, йўл қўйилмайди»;

3) **362-модданинг иккинчи қисмидаги** «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **401-модданинг иккинчи қисмидаги** «тўртинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **421-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд мажлисида ушбу Кодекснинг 83-моддасида ва 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд ишни кўришни давом эттиради ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқаради»;

6) **463-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 71-моддасига мувофиқ шахсни ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жазодан озод қилиш учун асослар мавжуд бўлса»;

7) **493-модданинг матнидаги** «1 ва 4-қисмларида» деган сўзлар «биринчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 27 декабрь
№ ЎРҚ—277

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталарининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтган қўшма мажлисида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан ижро этилишини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиамаконга кенг жорий қилиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурлари Тошкент вилоятида ижро этилишининг боришини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.**

# АХБОРОТ СОҲАСИГА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЎПРОҚ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қайд этилганидек, ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номли маърузаларининг тобора кенгайиб бораётган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси янада ривожланишини, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишга доир асосий қоидалари ва хулосаларини рўёбга чиқариш мақсадида ўрганилди.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли талабларини ижро этиш, Тошкент вилоятида эса илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиамаконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини бажариш юзасидан муайян ишлар олиб борилган.

Чунончи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июлда тасдиқлаган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002 — 2010 йилларга мўлжалланган дастури ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам иш олиб борилмоқда. Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари реестри ташкил этилган бўлиб, унда 187 та ахборот ресурси рўйхатга олинган. Интернет халқаро ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида халқаро оптик толали телекоммуникация тармоғига уланиш йўналишларининг сони олтитага етказилди. Интернетдан фойдаланувчи фуқаролар сони 6,6 миллион нафардан ортди, интернет халқаро тармоғида хизматлар кўрсатаётган операторлар ва провайдерларнинг умумий сони эса 965 тага етган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда дастурий маҳсулот чиқарадиган 230 га яқин корхона ва ташкилот ишлаб турибди, 264 номда дастурий маҳсулот рўйхатга олинган ва ишлаб чиқарилмоқда. Тегишли лицензияга эга бўлган қарийб 970 та юридик шахс маълумотлар узатиш тармоғида хизматлар кўрсатмоқда. Давлат органлари томонидан 114 та веб-сайт ташкил этилган. Домен зонасида ишлаётган веб-сайтлар сони бугунги кунда 10670 тадан ортиқ. Миллий ахборот маконида узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш мақсадида "ZiyoNet" тармоғи яратилган бўлиб, унга 11305 та таълим муассасасининг 10670 таси уланган.

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномаларнинг ижро этилиши мониторинг қилинмоқда. Бугунги кунга келиб 3269 та адабий ва илмий асарлар объекти ҳамда санъат асари, шунингдек, турдош ҳуқуқлар рўйхатга олинган. 2008 — 2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги билан муаллифларнинг меросхўрлари ўртасида уларнинг мулкий ҳуқуқларини коллектив асосда бошқариш тўғрисида 23 та шартнома тузилган. Шу даврда муаллифлик шартномаси институтининг моҳиятини тарғиб қилиш ҳамда аҳолига, шу жумладан, ижодий меҳнат билан шуғулланувчи муаллифларга юридик маслаҳатлар бериш мақсадида 150 дан ортиқ семинар, конференция ва давра суҳбати ўтказилди.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиамаконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 5 августдаги Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш дастурини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда вилоятда 55 та оммавий ахборот воситаси чоп этилаётган бўлиб, шунинг 22 таси нодавлат секторга мансубдир.

Шу билан бирга, масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар ва юқорида номлари келтирилган агентликлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши вакиллари юқоридаги қонунларнинг талаблари ижро этилишини таъминлаш ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мавжуд куч, маблағ ва ресурсларнинг илғор ахборот-коммуникация технологияларини пойтахт вилоятининг медиамаконига жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигига қаратдилар. Мажлисда ахборот соҳасига бозор механизмларини янада кўпроқ жорий этиш, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан бир қатор тавсиялар ҳам берилди.

Муҳокама якунлари бўйича қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЭЗГУЛИК ВА ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан Бош майдонимизда бунёд этилган ҳар бир иншоот, ҳар бир монумент ўзига хос рамзий маънога эга. Истиқлолимизнинг дастлабки йилида халқимиз ҳур ва озод кунларга етиб келганининг тимсоли сифатида бунёд этилган Мустақиллик монументи, тўла маънода, юртимизнинг дунё билан бўйлашаётганлиги, Ўзбекистон дунё тақдирига бефарқ эмаслиги, она-заминимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун дахлдорлик туйғуси билан яшаётганига ишора эди.

Ҳар гал энг муқаддас ва мўътабар масканларимиздан бири — Мустақиллик майдонига қадам қўйганимизда хаёлимиздан беихтиёр ана шу фикрлар ўтади. Бу табаррук гўшанинг гўзаллиги, файзу таровати, бетакрор меъморий ечими, шубҳасиз, ҳар қандай ташриф буюрувчини ўзига мафтун этади. Шу билан бирга, бунёдкор халқимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обод ва фаровон турмушимиз, порлоқ истиқболимиз рамзи сифатида ҳам намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, пойтахтимизнинг марказида жойлашган ушбу майдон нафақат манзараси, балки мазмун-моҳияти билан ҳам янги қиёфага эга бўлди. У ота-боболаримиз орзиқиб кутган энг улуғ, энг азиз неъмат — Истиқлолимиз тимсоли сифатида улуғворлик касб этиб турибди. Шунинг учун ҳам бу майдонга меҳримиз, ҳурматимиз чексиз.

2005 йилнинг 28 декабрида давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, бу ерда янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди. Бу ерда икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган мажмуага "Мустақиллик ва эзгулик монументи" деб ном беришни таклиф этдилар.

Маълумки, мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Она сиймоси биз учун ҳамиша меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин тимсоли бўлиб келган.

Бугун янги оила қураётган минглаб ёш йигит-қизлар Бош майдонимиздаги Эзгулик аркасидан ўтиб, оқ пойандоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, мазкур монумент пойига келар эканлар, Бахтиёр она сиймосида ўзларининг беғубор, пок орзулари рўёбини кўргандек бўладилар.

Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир юртдошимиз бу эзгу маскан бағрида яна бир карра бугунги ёруғ кунларимиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида фикр юритади, қалбида шукроналик, фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Атрофга хушҳаво бахш этиб турган фавворалар, ям-яшил дарахт ва майсалар эса кайфиятингизни кўтариб, баҳридилингизни очади.

Дарҳақиқат, аввало, бу ерга қадам ранжида қилган навқирон авлод юрт мустақиллигини асраш, озодлигини ҳимоя қилиш ўзларининг муқаддас бурчи эканлигини теранроқ англашади. Уларнинг қалбидан мустақиллик туфайли мана шундай улуғ масканга эга бўлдик, деган ўй кечиши, шубҳасиз. Улар бундай покиза бир зиёратгоҳ, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлмиш Бош майдон озод ва обод Ватанимизнинг энг кўркам гўшаси эканлигини ҳам чин дилдан ҳис қиладилар.

— Доимо бирор-бир халқаро мусобақа олдидан Мустақиллик майдонини зиёрат қиламан, — дейди эркин кураш бўйича Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларининг олтин медаль совриндори, қатор халқаро турнирлар ғолиби Дилшод Мансуров. — Бу руҳимни кўтариб, қалбимда Ватанимга бўлган муҳаббатимни янада оширади. Мусобақаларда эришган муваффақиятларимнинг асосий сабабларидан бири ҳам мана шу муқаддас туйғу билан боғлиқ, деб ўйлайман.

Майдоннинг рамзий дарвозаси ҳисобланган Эзгулик аркаси тепасида парвозга шайланиб турган турналар, халқимизнинг кўнглидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар дилларда ажиб бир ҳис уйғотади. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари ифодасидир.

Мустақиллик майдони — чин маънода, тинчлик боғидир. Айни пайтда қиш фасли бўлишига қарамай, мазкур маскан янада тароватли кўриниш олган. Бу манзилда кўнгиллар хушнуд бўлади, диллар таскин топади, қалблар қувончга тўлади. Бу боғда майсалар бўй чўзиб, қуёшнинг заррин нурларида ўзгача гўзаллик билан товланади. Мана шундай бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ

## изчил ривожланиш гарови

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг қатор вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ҳамда бошқа микрокредит ташкилотлари раҳбарлари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро ва Тошкент вилоятларидаги ҳамда "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Жиззах вилоятидаги ижроси ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Йиғилишда эътироф этилганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўламини кенгайтириш, янги мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳанинг янада ривожланишида эса, табиийки, бу борада қабул қилинган қонунлар ва уларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кичик кредит берувчи ташкилотларга тенг иқтисодий шароитни таъминлашда пухта кафолатланган ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда барча тижорат банклари, хусусан, 114 та кредит уюшмаси, 56 та ломбард ва 36 та микрокредит ташкилоти томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида мижозларга микромолия хизматлари кўрсатилмоқда.

Шу хусусда сўз борган тадбирда юқорида қайд этилган Қонун ижросини таъминлашда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, ҳозир Бухоро вилоятида 4 та, Тошкент вилоятида 5 та микрокредит ташкилоти фаолият юритаётган бўлса-да, микрокредит ташкилотларининг инфратузилмаси ва ресурс базасини кенгайтириш, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит линиялари очиш ҳамда кредитлар бериш, етакчи хорижий банклар ва молия институтларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини жалб қилишда сусткашликларга йўл қўйилаётир.

Маълумки, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда Жиззах вилоятида мазкур ҳужжат ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, мавжуд имконият, яратилган имтиёзлардан ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Хусусан, вилоятга ажратилган марказлаштирилган инвестициялар — бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш каби масалаларда кечиктирилишларга йўл қўйилган. Инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари самарали таъминланмаганлиги натижасида вилоят хўжалик судига кўплаб мурожаатлар келиб тушган. Бу эса тадбир иштирокчилари қайд этганларидек, вилоят иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмига салбий таъсир кўрсатган.

Мажлисда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар берилди ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# БЕҒУБОР БОЛАЛИК ҚУВОНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Биз биринчи синфда ўқиймиз, таътилнинг илк кунларида устозимиз байрамга олиб келдилар, — дейди пойтахтимиздаги 67-умумтаълим мактаби ўқувчиси Севинч Арзиева. — Таътил тугаб, мактабга борсак, таассуротларимиз ҳақида ёзма иш ёзамиз. Албатта, биз Мустақиллик майдонидаги Янги йил тантаналари ҳақида ёзамиз. Чиройли қилиб ёзсак, бир йўла иккита "юлдузча" (аъло баҳо, демоқчи) олар эканмиз.

Дарҳақиқат, мўъжизавий "Эртаклар шаҳарчаси" бахтиёр болаликнинг ёрқин, ширин ва ўчмас хотираларидан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз. Зеро, энг бахтли болалар ҳам шулар — озод юрт бағрида, Президентимизнинг чексиз ғамхўрлигидан баҳраманд ҳолда ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсаётган, камолга етаётган ўғил-қизлардир.

— Фарзандларимизнинг қувончу шодлиги бизнинг ҳам бахтимиз, — дейди чинозлик Муҳтарама ая Алимшикова. — Невараларим Кумушбиби ва Манзурабонуни байрам тадбирларини кўришсин, деб атайин Тошкентга олиб келдим. Болаларга қўшилиб ўзим ҳам яшариб кетгандекман. Бу ердаги ўйин-кулгию хурсандчиликлар кўнглимни ёриштирди, руҳимга қувват берди. Илоҳим, шундай саодатли кунларимиз бардавом бўлаверсин, фаровон ҳаётимиз, бахту иқболимизга асло кўз тегмасин!

Байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналаридан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

***Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ, Тошкент вилоятида жисмоний тарбия ва болалар спортини ривожлантириш масалаларига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.***

# ЖИСМОНАН ЕТУК, МАЪНАН БАРКАМОЛ

**Тадбир**

Йиғилишда таъкидланганидек, ЮНЕСКО томонидан 1978 йил 21 ноябрда Парижда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт халқаро хартияси"да кўзда тутилган мақсадлар "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоҳангдир. Зеро, Дастурга кўра, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Истиқлол йилларида юртимизда бир минг 200 дан ортиқ янги спорт иншооти бунёд этилиб, уларда 260 мингдан зиёд болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имконият яратилгани бунинг тасдиғидир. Мазкур хайрли ишларни Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган даврда вилоятда кўплаб янги спорт иншоотлари қурилиб, мавжудлари реконструкция қилинди. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, бу ерда жами 4 минг 225 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларда фаолият кўрсатаётган 5915 та спорт тўгарагида 179 мингдан зиёд ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Бундай ғамхўрликка жавобан вилоят ёшлари мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда муносиб иштирок этмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида улар 16 та халқаро ҳамда 12 та мамлакат миқёсидаги мусобақада муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олишди. Масалан, Сингапурда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақада олмалиқлик 4 нафар спортчи иштирок этиб, улардан бири бош совринни, 2 нафари эса учинчи ўринни қўлга киритишди.

Тадбирда вилоятда болалар спортини янада ривожлантириш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган айрим масалалар хусусида ҳам сўз юритилди. Олис қишлоқлардаги спорт иншоотларини замонавий инвентарлар билан тўлиқ жиҳозлаш, баъзи мажмуаларни реконструкция қилиш зарур эканлигини қайд этилди. Айни чоғда вилоят ўқувчиларини спортга жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада жонлантириш масаласи ҳам кун тартибида турибди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИНГ НОЁБ ТИЗИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гап шундаки, у компания ва мижоз ўртасида электрон тўловни амалга оширувчи дастур бўлиб, тўловлар бошқаруви бўйича автоматлаштирилган банк тизимига айлантирилган.

Унинг яна бир қулайлиги мижоз тизимга уланиш учун тижорат банкига бир маротаба ташриф буюриши кифоя. Бу ерда унинг мобиль телефонига тезда ўзининг электрон рақамли имзоси калити ўрнатилган "SMS-to`lov" дастури кўчириб берилади. Шу тариқа тадбиркор кўплаб имкониятларга эга бўлади. Тўлов шохобчалари ва банкларга бормасдан саноқли лаҳзада тўловларни амалга ошириш, 24 соат давомида кафолатланган ўтказмаларни жўнатиш, шунингдек, депозит ҳисобларда мавжуд пул маблағлари ҳақида маълумотларни мунтазам олиш ва ундан унумли фойдаланиш шулар жумласига киради.

Электрон тизимнинг шу каби қулайликлари инобатга олиниб, уни 2011 йил бошидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида тўлиқ татбиқ этиш режалаштирилган. Бу тадбиркорларнинг қимматли вақтларини тежаш, фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШДА ЯНГИ ВА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспертнинг эътирофича, Ўзбекистон тажрибаси яқиндагина янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинган ҳамда бу орқали мамлакатда кичик ва ўрта бизнес юритиш жараёни анча чигал аҳволга келиб қолган Украинада ҳам фойдадан холи бўлмасди.

**Бельгиянинг "Wider EU" компанияси директори Жан Франкуиз Ривалайн**нинг таъкидлашича, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фақатгина жамиятнинг барча қатламлари, сиёсий партиялари ва ҳаракатларининг умумамалий ёндашуви орқали эришиш мумкин. Унинг фикрича, Ўзбекистонга хос бўлган бундай ҳамжиҳатлик эришилган ва эришилажак муваффақиятларнинг гаровидир.

"Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси менда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда айтишим жоизки, ушбу иккала маъруза бирбирини ўзаро тўлдиради ва Ўзбекистоннинг чинакам демократик давлат барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракатларидан яққол далолатдир", деди Ж. Ривалайн.

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарияти асосий тамойиллари эркинлик ва демократия бўлган жамиятни ислоҳ қилиш жараёнига амалий ёндашади.

"Мамлакат Президентининг айрим ваколатлари парламентга берилиши Ўзбекистонда кечаётган демократик ислоҳотларни ортга қайтариб бўлмаслигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, мамлакатда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, аввалambор, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган пухта сиёсатнинг натижасидир", дея қайд этди эксперт.

**Американинг "Найтбридж Корпорейшн" компанияси маслаҳат кенгаши аъзоси Ж. Тэйлор** Президент Ислом Каримовнинг истиқболи порлоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуси хорижий сармоядорлар учун ҳам навбатдаги хушхабар бўлишига ишончи комил эканини айтди.

— Ўзбекистон Президенти кичик бизнесни мамлакатнинг келгуси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг омили, дея таърифлаганда мутлақо ҳақдир, — дея баҳолайди у. — Бугунги кунда аксарият ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнесни рағбатлантириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш хорижий сармояларнинг кириб келиши ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини белгилаб берувчи муҳим омиллардир.

Ж. Тэйлорнинг ишонч билдиришича, халқаро бизнес ҳамжамияти, шу жумладан, унинг ўзи узоқ йиллар фаолият юритган Осиё тараққиёт банки каби молиявий институтлар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган махсус давлат дастурининг амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди.

**"World's Epsilon Enterprises Inc." компанияси президенти А. Леви**нинг таъкидлашича, "Ҳатто саноати ривожланган АҚШда ҳам меҳнатга лаёқатли аҳолининг 90 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида фаолият юритади".

Президент Ислом Каримов томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўйилган вазифалар "мамлакат иқтисодиёти учун долзарб ва стратегик муҳим аҳамиятга эга". Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакат раҳбарининг ташаббуси узоқ муддатли ва аниқ натижага йўналтирилганини англатади.

Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда, Америка компаниялари ўзбекистонлик шериклари билан биргаликда бир қатор соҳаларда, хусусан, электротехника, тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, биотехнология, нанометаллургия, сайёҳлик ва бошқа кўплаб йўналишларда самарали ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдиришмоқда.

"Шуниси равшанки, кичик бизнесга янги имкониятларнинг яратилиб берилиши ҳамда соҳанинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши тез орада ўз самарасини беради ва бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсиши, энг муҳими, Ўзбекистон Президенти маърузасида таъкидланганидек, аҳоли турмуш даражасининг сифат жиҳатдан яхшиланишида ўз аксини топади", деди А. Леви.

**"Туркистон — Америка" уюшмаси раиси А. Хўжа**нинг таъкидлашича, АҚШда истиқомат қилувчи ўзбек миллатига мансуб аҳоли вакиллари мамлакат мустақиллиги, ўзбек халқининг эрки ва фаровонлиги асоси бўлган Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигини яна бир бор катта қувонч ва кўтаринки кайфиятда нишонлади.

"Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, давлат ва миллатнинг раҳбари сифатида, ўз халқининг қатъий қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, Ўзбекистонни Конституцияда белгиланган барқарор тараққиёт сари етакламоқда", дея таъкидлади А. Хўжа. Унинг фикрича, "Туркистон — Америка" уюшмаси Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган вазифаларни тўла қўллаб-қувватлайди.

А. Хўжанинг сўзларига кўра, АҚШда Ўзбекистоннинг ривожланиш жараёнини кузатиб бораётган ҳар бир одам Ўзбекистон Президентининг Конституция кунига бағишланган анъанавий чиқишини ҳар йили катта қизиқиш билан кутади. Сабаби, давлат раҳбари ўз маърузасида ўтган йилни сарҳисоб қилиб, асосий мақсадларни ўз номида мужассам этган келгуси йил дастурининг йўналишларини белгилаб беради. Шу тариқа мамлакатда ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган аниқ давлат дастури амалга оширилади.

Шунингдек, у Ўзбекистонга бир неча бор амалга оширган сафарлари чоғида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганига шахсан гувоҳ бўлганини айтди. "Мамлакатнинг турли туманларида қисқа вақт ичида барпо этилган ўқув юртлари ва соғломлаштириш марказлари, спорт иншоотлари ҳамда болалар ижодиёт уйлари, уларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун яратилган қулай шарт-шароитлар дунёнинг қатор мамлакатлари учун ўрнак бўлмоғи лозим. Аммо энг асосийси шуки, мен Ўзбекистон ёшлари билан суҳбатлашганимда, уларда ўз билимларини янада бойитишга ва келгуси тараққиёт сари астойдил интилишни, уларнинг ўз мамлакатлари учун бунёдкорлик ишларига шай турганини кўрдим. Шу боис Ўзбекистоннинг келажаги ишончли қўлларда эканига аминман", деди "Туркистон — Америка" уюшмаси раиси.

У Ўзбекистон Президентининг 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиши ҳақида сўз юритар экан, ушбу ташаббуснинг нафақат долзарб, балки ҳаётга татбиқ этиш учун асосли эканини қайд этди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, халқ фаровонлигининг юксалишига ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асосини янада мустаҳкамлашга имкон яратади", дея ўз сўзини якунлади А. Хўжа.

**«Жаҳон» АА.**

# «УСТЮРТ ҚИДИРУВ БУРҒИЛАШ БОШҚАРМАСИ»

шўъба корхонаси

барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган

## Янги — 2011 йил

билан қизғин қутлайди!

*Жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатларимиз баракали бўлиб, кириб келаётган йил хонадонларимизга тўкин-сочинлик, юртимизга тинчлик-омонлик олиб келсин!*

---

MAN

## «JV MAN Auto — Uzbekistan»

**Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини яқинлашиб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади! Кириб келаётган йил фаровон ҳаёт, тинчлик-хотиржамлик улашсин!**



Маҳсулот сертификатланган.

**Манзил:**
Тошкент ш., Мирзо Улуғбек к., 30.
Тел.: (+99871) 268-56-25.
Факс: (+99871) 268-56-29.

**Расмий дилерлар:**

**«Автосанкомплект — Қўқон» МЧЖ**
Қўқон ш., Сариқамиш к., 1.
Тел./факс: (8-373) 552-10-34.
Моб.: (+99873) 559-53-77.

**«Auto Asia Sam Service» МЧЖ**
Самарқанд ш., Гагарин к., 3.
Тел./факс: (8-366) 234-48-34.
Моб.: (+99866) 261-14-78.

**MAN тижорат юк техникаси. Мустаҳкамликка ишонч, самарадорлик ва сифат. Лизинг.**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси

# «НАМАНГАНУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ»

жамоаси

NUSI

мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб келаётган

## Янги – 2011 йил

билан самимий муборакбод этади!

*Президентимиз «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номлаган мазкур йил жонажон Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркору ишбилармонлар ҳамда барча юртдошларимиз учун омадли ва баракали йил бўлсин!*

O'ZULGURJISAVDOINVEST

NUSI

Сиз азизларга сиҳат-саломатлик, байрамона кайфият тилаймиз!

---

# RAVNAQ-BANK

очиқ акциядорлик жамияти

жамоаси

Ўзбекистон диёрида истиқомат қилаётган барча юртдошларимизни кириб келаётган

## Янги йил байрами

билан қутлайди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган 2011 йил барча-барчага фаровонлик олиб келсин.

Сизларга соғлиқ-омонлик, оилавий тотувлик тилаймиз.

Янги йилингиз муборак бўлсин!

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ**

*телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танлов эълон қилади.*

Танлов ўтказиш муддати – **2011 йил 25 февраль.**
Танлов ўтказиш жойи: **Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали.**

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАР**

| | Частота | Узаткич куввати | Таркатиш худуди |
|---|---|---|---|
| | **I. Теледастурларни таркатиш** | | |
| 1-лот | Теледастурларни тарқатиш (частоталар полосалари 2300-2330 МГц 2391-2399 МГц) (иккиламчи асосда) | 0,066 кВт | Андижон шаҳрида |
| | **II. Радиодастурларни таркатиш** | | |
| 2-лот | 104,4 МГц | 200 Вт | Тошкент шаҳри ва шаҳар атрофи ҳудудларида |
| 3-лот | 105,4 МГц | 600 Вт | Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг бир қисмида |

Буюртмалар учун аризалар қабул қилишни бошлаш муддати – 2010 йил 28 декабрь.
Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати – 2011 йил 26 январь.

**Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзилида қабул қилинади. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳи.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-84-57, 239-46-13, 239-48-55.**

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **(www.aci.uz)**, Давлат алоқа инспекцияси **(www.gis.uz)** веб-сайтларида танишишингиз мумкин.

---

# ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** – ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** – ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** – ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** – ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** – Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

**ЙИҒМА ПАРКЕТ** (лиственница) – Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

**КАРБИД** – Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Мамлакатимиз аҳлини яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади

ва миллий валютадаги янги — муддатли

«Қиш тухфаси»

омонати жорий этилганлигини маълум қилади:

- Сақлаш муддати — **60 кун**.
- Дастлабки бадал миқдори — **500 000 сўм**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.

**Омонатга маблағ қабул қилиш 2010 йил 25 декабрдан 2011 йил 10 январгача амалга оширилади.**

Шу билан бирга, банк миллий валютадаги қуйидаги муддатли омонатларнинг амал қилиш вақти аввал тасдиқланган шартлар асосида узайтирилганини маълум қилади:

— **«Матонат», «Чинор», «Само», «Тикланиш»** 2011 йилнинг 31 мартига қадар;

— **«Аломат», «Насибали», «Иззат» ва «Ҳуррият»** 2011 йилнинг 1 февралигача.

***Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!***

**Қўшимча маълумотларни (+99871) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалларидан олишингиз мумкин.**

WWW.NBU.COM

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН,

1317R/70



PSM GROUP

«Respublika ixtisoslashtirilgan ulgurji bazasi» OAJ

NUSI

ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини кириб келаётган

Янги йил

байрами билан самимий табриклайди!

2011 йил сизларга бахт-иқбол, хонадонингизга файзу барака, юртимизга фаровонлик олиб келсин.

Кўзлаган режаларингиз амалга ошиб, эзгулик ва осойишталик, шукроналик туйғулари сизни асло тарк этмасин.

1297R/1495



kdb UzKDB Bank

UzKDB Bank

кўп миллатли Ўзбекистон халқини, ҳамкорлари ва мижозларини кириб келаётган

Янги йил

билан чин дилдан қутлайди!

Барчага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди!

2011



«Қарши ёғ-экстракция»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Сиз, азиз юртдошларни Янги йил билан чин юракдан қутлайди.

Она юртимиз обод, хонадонимиз фаровон бўлсин!

Байрамингиз муборак бўлсин!

1315/1410



CSP

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО

ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДЛЯ ВОДОСНАБЖЕНИЯ, ГАЗОСНАБЖЕНИЯ И ДЛЯ КАНАЛИЗАЦИИ

Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающие давление до 20 кгс/см²

Соединительные детали:

ТРОЙНИКИ, ПЕРЕХОДНИКИ, ОТВОДЫ, АДАПТЕРЫ, КРЕСТОВИНА

Проводим монтаж трубопроводов

Используем только первичное сырье: PE-80, PE-100

На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ а также ISO 9001:2008

Индивидуальный подход к каждому клиенту Качество у нас!!!

Гибкая система СКИДОК

Гарантия — 2 года, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, головной офис: Бизнес-центр «Лабзак».
Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42.
e-mail: sedou2006@yandex.ru

565R/680


## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси

**ЎзРТХБ** котировкалари сўм/кг




СУЮЛТ. ГАЗ 1293,4 ▲+173,1




ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 154,5 ▲+7,0




УН биринчи нав 517,4 ▼-4,8




ОМИХТА ЕМ 263,1 ▲+38,5

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ИЛҒОРЛАРИ

**_Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида анъанавий ўтказилаётган «Энг илғор мутахассис» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда юқори натижага эришган Мудофаа вазирлиги қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари вакиллари қатнашди._**

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида ҳарбийларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маънавий-маърифий тайёргарлиги ҳамда жанговар шайлик ва касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ташкил этилаётган кўплаб кўрик-танлов ва спорт мусобақалари муҳим аҳамиятга эга.

«Энг илғор мутахассис» танловида ҳарбийлар югуриш, турникда тортилиш, техник тайёргарлик, жанговар қуролдан нишонга отиш каби шартлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини намойиш этди. Ҳарбий топография, маънавий-маърифий ва назарий билимлар бўйича тест синови топширди.

«Энг илғор сержант» номинациясида кичик сержантлар Қ. Эллиев, У. Жўраев, А. Иброҳимов, Т. Мадраҳимов ҳамда сержантлар К. Каипов, Ж. Бакиров, Б. Юсупов ғолиб чиқди.

«Энг илғор гуруҳ командири» номига лейтенантлар А. Иброҳимов, С. Пўлатов ва катта лейтенантлар А. Рисбеков, Ж. Жабборов, Ф. Расулов, С. Аҳмедов, Ш. Азимов лойиқ топилди.

Катта лейтенантлар Ж. Бойзоқов, С. Хожиев, А. Шеров, капитанлар А. Раҳматов, А. Қўшоқов, А. Исмонов ва майор С. Эшонқулов йилнинг «Энг илғор взвод командири» бўлди.

«Энг илғор батальон командири» номинациясида эса капитанлар Ш. Умаров, Ж. Расулов, майорлар О. Толипов, Ш. Умаров, Ж. Каримов, подполковниклар Е. Блинов, Д. Тўйчиев зафар қучди.

Шунингдек, Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларидан ҳам ғолиблар аниқланди.

Бундан ташқари, танловда иштирок этган сержантлар Б. Имомқулов, С. Сулаймонов ҳамда офицерлар Д. Толипов, Ҳ. Маматов, З. Жўраев, Б. Солиев, Б. Раҳимов, Б. Умаров ўз қўшин турлари бўйича юқори ўринларни банд этди.

— Барча шартлардан муваффақиятли ўтиб, йилнинг «Энг илғор взвод командири» номига сазовор бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди капитан Алимардон Раҳматов. — Бу бизни халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида янада юксак масъулият ва садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**_Кино — таъсирчан ва энг оммалашган санъат туридир. Унда воқеа-ҳодисалар, ҳаётдаги турфа масала ва муаммолар ишонарли тарзда акс этса, бу ўз ўрнида томошабинни мушоҳадага чорлайди. Айниқса, ёшларимиз тарбиясида, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитишда миллий урф-одатларимизга ҳамоҳанг бадиий фильмларнинг ўрни беқиёс._**

**28 декабрь — Халқаро кино куни**

# ТАЪСИРЧАН ТАРБИЯ ТАРҒИБОТЧИСИ



Шу маънода, истиқлол йилларида ўзбек киносини жаҳон кино санъати билан рақобатлаша оладиган даражага олиб чиқиш, халқимизнинг ўзига хослигини акс эттирувчи миллий фильмлар яратиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида яққол ифодасини топган. Хусусан Президентимиз Фармонида: "Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсади" алоҳида қайд қилинганлиги киночилик соҳасининг залвори нақадар юксаклигини англатади.

Истиқлол йилларида ўзбек киносининг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди. Ана шу ўзгаришлар самараси ўлароқ вужудга келган "Буюк Амир Темур", "Имом Бухорий", "Ёлғиз ёдгорим", "Кичкина одамларнинг катта ташвишлари", "Осмондаги болалар", "Чавандоз", "Орзу ортида", "Қор қўйнидаги лола", "Эркак", "Сув ёқалаб" каби фильмларда халқона бўёқлар тасвири ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш мақсадида замондошларимиз эришаётган салмоқли ютуқларни йирик-йирик санъат асарлари, хусусан, кинополотноларда акс эттириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, халқимиз орасидан етишиб чиққан, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбияланган, матонатли ва маънавий етук инсонлар қиёфасини катта экранга олиб чиқиш киноижодкорлар олдидаги масъулиятли, муҳим вазифалардан бири саналади. Шу маънода, "Ўзбеккино" Миллий агентлигида киноижодкорлар иштирокида "Кинода замонавий қаҳрамон образи" мавзуидаги семинар ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг Бухоро шаҳрида бунёд этилган вилоят мусиқали драма театрига ташрифи чоғидаги ижодкорлар билан учрашувда замонавий қаҳрамон образини яратиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан ўтказилган мазкур тадбирда соҳа вакиллари томонидан таклифлар билдирилди. Айни пайтда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, агентлик буюртмасига биноан "Иқтидор", "Тўққиз ой", "Кечиккан ҳаёт" номли бадиий фильмлар суратга олинганлигини таъкидлаш ўринлидир.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан миллий кинофильмларимизнинг халқаро миқёсда кенг тарғиботини ташкил этиш, экспорт салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида кўплаб фильмларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ўтказилаётган нуфузли анжуманларда ҳам муваффақият қозонаяпти. Жумладан, жорий йилда бўлиб ўтган "Киношок" халқаро фестивалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Саъдуллаев санъат ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун мазкур тадбирнинг энг олий соврини — "Маҳорат, матонат ва касбга садоқат" номинацияси бўйича тақдирланди. Ноябрь ойида эса режиссёр Жаҳонгир Қосимов суратга олган "Сув ёқалаб" номли бадиий фильм АҚШнинг Нью-Йорк штатида бўлиб ўтган Евро-Осиё кинофестивалида намойиш этилди. Мазкур фильмда бош қаҳрамон тимсолини жонлантирган актёр, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов фестивалнинг "Энг яхши актёр" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Шунингдек, Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги 34-муаллифлик киноси халқаро фестивалида "Нариги соҳилда қолган болалик" (режиссёр — Собир Назармуҳамедов) ҳамда "Илова" (режиссёр — Ёлқин Тўйчиев) фильмлари асосий дастурлардан жой олди. Қувонарлиси шундаки, киноижодкорларимизнинг аксарияти юқорида тилга олинган халқаро тадбирларда МДҲ мамлакатлари орасида ягона иштирокчи сифатида қатнашдилар.

Умуман олганда, бугунги кунда киноижодкорлар халқимизнинг чинакам миллий қадриятларини акс эттирувчи фильмлар яратиш йўлида изланиб-интилмоқдалар. Келгусида ватанпарварлик, халқпарварлик, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, садоқат ва матонатни улуғловчи асарларга репертуарлардан кўпроқ ўрин бериш мўлжалланган.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ЎЗБЕК СПОРТИ МАЛИКАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўрт нафар иқтидорли спортчи қиз кўплаб қизиқарли шартлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Хусусан, спортчи қизларнинг турли мусобақалардаги муваффақиятлари билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билими ҳам синовдан ўтказилди.

Тошкент вилояти вакиласи Зиёда Ризаева йилнинг "Спорт маликаси" Гран-приси билан тақдирланди. Хоразмлик Гулзода Мадаминова биринчи, пойтахтлик Зулфия Аҳмаджонова иккинчи, самарқандлик Шаҳноза Қўнғирова учинчи ўринни эгаллади.

— Юртимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи тобора ошиб бораётгани соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётир, — дейди Гран-при соҳибаси Зиёда Ризаева. — Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади. Спорт бу эзгу мақсадни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири:**

## ОБ-ҲАВО (28 декабрь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 2-4 даража совуқ, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**












КЎМИР (БПК) 42,0 ▲ +0,2




ШИФЕР (1 лист) 12222 ▼ -40




ПАХТА ЁҒИ 1749,6 ▼ -7,6

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ - кўтарилган, ▼ - пасайган. сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM УзРТХБ сайтида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 5